


Дунё ва зуҳд



17:40 / 05.10.2017 5517

«Дунё нима? Унда зуҳд қилиш қандай бўлади?» Шунга ўхшаш масалаларни сўраб, саволни кўпайтирдинг. Булар ҳақда сенга қисқа жавоб бераман.

Албатта, бу икки диёр ҳам одамлар учун яратилган. Буниси дунё^[1], наригиси охирадир. Сенга буниси унисидан яқин бўлгани учун дунё деб номланган. У бошқа жойда «аввалги» деб ҳам аталгандир.

У Зот Танзилида шундай деган:

«Албатта, охираат ҳам, «аввалги» ҳам Бизниқидир»^[2].

Яна бошқа бир жойда «ўткинчи (шошар)» деб ҳам номланган. Наригиси эса «шошмас»дир.

Улар икки диёр бўлиб, бири ушбу (ўткинчи) диёр амалларининг мукофотидир. Ана шу диёрнинг неъматлари доимий мукофотдир, абадийдир, камаймайди, фоний бўлмайди. Бу диёрнинг неъматлари эса у диёрнинг сарқитларидир. Улар етарли, хузурбахш ва озуқадир. Унинг аҳли нариги диёрга ўтувчилардир.

Ким бандаликни тарк қилса, ўзини ўйлаб, Аллоҳнинг амрини ва фарзларини зое қилса, ушбу етти аъзоси – қорни, тили, фаржи, қўли, оёғи, қулоғи ва кўзи ила У Зотнинг чегарасидан чиқса, батаҳқиқ, У Зот унинг учун ғазаби, қаҳри, олови ва алвон-алвон азоблар билан тўлиб-тошган зиндонни тайёрлаб қўйгандир. Бу дунёда Аллоҳнинг тоатидан холи бўлган барча нарса мазаммат қилингандир. Агар банда Аллоҳга бирор нарса сабаб – тиллами, кумушми, емишми, ичимликми, кийимми, барибир – осийлик қилса, у мазаммат қилинган дунёдир.

Қачон илмда ёмонлаш зикр қилинса, ўша нарсалар кўзда тутилгандир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам демишлар:

«Дунё ва ундаги нарса лаънатлангандир. Фақатгина Аллоҳнинг зикри ва Унга олиб борган нарса мустасно»^[3].

Яъни тоатлар ва Аллоҳ таолонинг юзини кўзлаб қилинган амалларнинг барчаси Аллоҳ азза ва жалланинг зикрига қайтади.

Қанчадан-қанча дирҳам борки, у билан Аллоҳ таолога исён қилингандир. Ана шу мазаммат қилинган дунёдир. Унинг ҳаловати уни (бандани) алдаган, (банда) уни ўз истагини қондириш учун ушлаб турган. Охир-оқибат Аллоҳга осий бўлган. Бошқа бир банда ўша дирҳамни Аллоҳ учун мулк қилиб олган, Аллоҳ учун ушлаб турган ва охир-оқибат ҳақ йўлида сарфлаган. Шу ила Аллоҳга тоат қилган. Мана шу унинг бу дунёда охирати учун қилган амалидир.

У Зот Танзилида демишки:

«Ким ўткинчи (дунё)ни истаса, хоҳлаган кишимизга хоҳлаган нарсамизни унда шошилиш берурмиз. Сўнгра унга жаҳаннамни берурмиз. Унга мазаммат қилинган ва қувғинга учраган ҳолда кириб куюр.

Ким охиратни истаса ва унга эришиш учун мўмин бўлган ҳолида керакли ҳаракатини қилса, бас, ана ўшаларнинг ҳаракатлари мақбулдир»^[4].

Кофирнинг истаги бу дунё ва ундаги нарсалардир. Охиратдан эса у ғофилдир.

Мўминнинг истагани охират ва ундаги нарсалардир. Лекин у бу дунёнинг шаҳват ва лаззатлари ила синалган. Агар у чегарани муҳофаза қилса,

дунёдаги Аллоҳ унга ҳаром қилган нарсага қўл урмаса, иймонида Аллоҳга содиқ қолган бўлади. Гарчи унда қийинчиликка, қоқилишга ва алданишга учраган бўлса ҳам. Агар тавба қилса, тавбаси мақбулдир. Агар Аллоҳнинг ҳузурига тавба қилмаган ҳолида келса, унинг иши Аллоҳга ҳавола қилинади. У Зот хоҳласа – азоблайди, хоҳласа – афв қилади. Ўша кунда банда учун иймоннинг ҳурмати бўлиб, раҳмат чодиридан кофирлар чиққани каби чиқмайди. Уларнинг сафида турғизилмайди, юзлари қораядиганлар билан бирга юзи қораймайди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Сарахс аҳли сўраган масалалар китобидан)

[1] «Дунё» сўзи араб тилида «яқин» деган маънони англатади.

[2] Лайл сураси, 13-оят.

[3] Бу ҳадисни Термизий, Ибн Можа, Табароний ва Баззор ҳам ривоят қилишган.

[4] Исро сураси, 18–19-оятлар.